



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 203 (10.508) / 2005 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар ижодиёти уйида шаҳримиз туманлари ҳокимликлари қошидаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинар «Воёга етмаганлар фаолиятида қонунийлик: тажриба ва муаммолар» деб номланди.

● **КЕЧА** Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Корея Республикаси маданияти кўнлари доирасида корейс қўшиқлари ва рақслари асосида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

● **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида тадбиркорликни ривожлантириш омилларига бағишлаб ўтказилган семинарда туман фаоллари, тадбиркорлар иштирок этишди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида пахтакорлар билан учрашди.

● **АБРОР** Хидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театри ижодкорлари театр ихлосмандларига «Адолат изтироби» деб номланган янги спектакль премьерасини хавола этишди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек номидаги маданият уйида ўзбек рассомлари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Яккасарой туманида самарали фаолият юритаётган хусусий корхоналар орасида "Даврон Аҳмад ўғли" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси корхонаси жамоасининг муносиб ўрни бор.

СУРАТЛАРДА: фирманинг малакали тикувчиси Маъмура Одилбекова; тикув чехида ўз касбининг моҳир усталари, кўли гул чеварлари навбатдаги буюртмани ўз муддатида, сифатли бажаришга астойдил бел боғлаганлар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

XXI саҳоси

Барча маълумлардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 2006 йилги Давлат бюджет лойиҳаси ва 2005 йилда қўтилётган ижроси ҳамда иккита қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

● Наманган туманида қуриб битказилган Тепакўрғон маъший касб-хунар коллежи янги ўқув йилида 300 нафар қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди. Замонавий услубда қурилган ва энг сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари ўрнатилган бу коллежда йигит-қизлар саккиз йўналиш бўйича касб-хунар ўрганмоқдалар.

● Фарғона шаҳридаги Фуломжон Зокиров номидаги ҳуқуқ лицейида ўқувчи-талабаларнинг қасамбел қабул қилиш маросими бўлди.

● Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Навоий Давлат тоғ-кон институтининг ташкил этилганлигига ўн йил тўлишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳридаги «Шанс» ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза марказида болалар экологик клуби очилди.

Жаҳонда

● Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатининг янги ҳукумати таркибига кирмаслигини маълум қилди.

● Ироқдаги суннийлар манфаатини ифодаловчи Ислом партияси вакиллари мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳасини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган табиий офатдан 4 миллионга яқин одам жабр кўрганлигини таъкидламоқда. Ташкилот жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, зилзиладан жабр кўрганларга кўмак учун 272 миллион доллар ёрдам пули ажратишга чақирди.

● Хитойнинг шимол-ғарбидagi Ганьсу музофотидаги «Цзююань» космосдонидан учурилган учувчи билан бошқариладиган «Шэньчжоу-6» космик кемаси коинотга муваффақиятли парвоз қилди. Кема бортидаги икки космонавт коинотда беш кун давомида бир қатор илмий тажрибаларни амалга оширади.

Ҳашар — элга ярашар

ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ МАҲАЛЛАМИЗ ОБОДЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ !

15-16 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА УМУМШАҲАР ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Халқимизда «Киш гамини ёзда е», «Ёё ёпинчигингни қўйма, қишда ўзинг биласан» қабилидаги мақоллар бўлиб, улар замирида қишга тайёргарликни эрта бошлаш, бунда барча жиҳатларга эътибор қаратиш каби мазмун-моҳият ётади.

Дарҳақиқат, ўлкамизга анча салқин тушиб, аста-секин қиш нафаси сезилмоқда. Бинобарин, уй-жойлар ва кўчаларни тартибга келтириш, худудларни ободонлаштиришнинг ҳозирда айнаи фурсати етди. Бу борада эса халқимизнинг кўп минг йиллаш ҳашар анъанаси жуда кўл келиши сир эмас. Зеро, ҳашарларнинг халқ учун муҳим ижтимоий-иқтисодий, маънавий, тарбиявий, экологик аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бу жараёнда кўпчиликнинг меҳнати билан атроф-муҳит тозаланади, ободонлашади,

қишларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати кучаяди, ёшлар ҳам бундан катта ўрناк оладилар.

Шу жиҳатдан олганда шаҳримизда санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, турар жойлар, маҳалла ва гузарлар, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, кузги-қишки мавсумга юқори савияда тайёргарлик кўриш, кўп қаватли уйларнинг ички қисмини ва уларнинг атрофини оралташ ишларини амалга ошириш мақсадида 15-16 октябрь кунлари умумшаҳар ҳашарининг ташкил этилаётгани эътиборга лойикдир.

Икки кун давомида шаҳримиздаги барча корхона, ташкилот, муассасалар, мактаблар, боғчалар, олий ўқув юрталари, маҳаллаларда уюшқоқлик билан бўлиб ўтадиган ҳашар давомида кўча-кўйлар, уй-жойлар ободонлаштирилади, шох-шаббалар, тўкилган барглр йиғиб олинади, ертўлалар тозаланади, кўп қаватли уйларнинг синган эшик-ромлари тикланади.

Ўйлаймизки, «Ҳашар — элга ярашар» дейилганидек, ушбу муҳим ободонлаштириш тадбирида ҳамшаҳарларимиз фаол иштирок этишади.

Обуна — 2006

“ОҚШОМ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар катори бизнинг “Оқшом” таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақдир ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. “Оқшом” газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рунклар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфирма ва маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шунда-



гина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб “Оқшом” хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

**ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАР
МУАММОЛАРИГА
БАҒИШЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Вояга етмаганлар муаммолари бўйича комиссия ва Бош прокуратура томонидан БМТнинг болалар жамғармаси — UNICEF билан ҳамкорликда «Вояга етмаганлар муҳитида қонунийлик: тажриба ва муаммолар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирликлари ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ушбу масала мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга, чунки аҳолининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилади. 2000 йилда ҳокимликлар ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқат қарори қабул қилинган эди. Айни пайтда юртимиздаги мавжуд 213 анн шундай комиссия таркибидан 3 мингдан зиёд малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар қўлини кенгайтирилиб, меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада яхшилашга эришилди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги мустақамланаётгани тўғрисида ўқмай, ишламай юрган болалар сони, шунингдек, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ҳоллари сезиларли даражада камайган.

Қаровсиз қолган болаларни ижтимоий муҳофазат қилиш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари билан жамоат ташкилотлари, айниқса, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси жиҳдид шугулланаётгани таъкидланди. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг мазкур жамғарма билан яқин ҳамкорлиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш самарадорлигини оширишда кенг имкониятлар яратмоқда.

Тадбирда вояга етмаганлар муҳитида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда комиссия олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли давлат ва нодавлат муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириши янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

**Бекзод НОРБОВ,
ЎЗА муҳбири**

Куни кеча Шайхонтоҳур туманида ҳокимлик ва туман меҳнат бўлимининг ўзаро ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркалар

**ИШ ЎРИНЛАРИ
ТАКЛИФ ЭТИЛДИ**

Мазкур меҳнат ярмаркасида шу куни 217 нафар фуқаролар ишга жойлашиш мақсадида келганлиги қайд қилинди. Тумандаги 18 та катта корхоналар ўз вакиллари билан катнашган ҳолда 320 та бўш иш ўринлари ҳамда вақант лавозимларини таклиф этдилар, ярмарка қатнашчилари шу ернинг ўзида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оlishди.

— Меҳнат бўлимининг жамоаси, — дейди унинг раҳбари Мирозим Абзалов. — Туманимиздаги 49 та маҳалларда округларнинг бевосита қўмағида иш олиб боради. Айниқса, «Хадра», «Бокўча», «Коратош», «Янгибод», Исломобод маҳалларидан фуқаролар фаол қатнашди. Шу билан биргаликда, туманда фаолият юритаётган турли жамғармалар, жамоат ташкилотларининг баракали саъй-ҳаракатлари, бегараз ёрдами тўғрисида, шу куннинг долзарб масаласига айланиб қолган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича йўналиш берилди, 150 нафар фуқаролар эса меҳнат бўлими ходимлари ва малакали мутахассислардан маслаҳат олишди. «Шарк модель» қўшма корхонаси, «Малика» акциядорлик жамияти, 1-шаҳар клиник касалхонаси, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти, Тошкент Давлат кимё-технология институти, «Махсустрон» ва бошқа қўллаб ташкилотларга йўланмалар берилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бoш бошқармасига қарашли Ишисларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига 10 нафар фуқаро йўланмалар билан ўқишга юборилди.

**Муҳаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА**

Кўргазмалар


**ЗАМОНАВИЙ
ҚУРИЛИШ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Курилиш. Курилиш техникаси. Курилиш материаллари — EXPO Construction — 2005» 2-халқаро кўргазмаси давом этмоқда.



«ZurExpo» кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Грандиндустрия» қурилиш-саноат гуруҳи ва «Shosh invest Group» компаниялар гуруҳининг қўллаб-қувватлаши остида ўтаётган халқаро кўргазмада Франция, Германия, Туркия, Россия, Беларусь, Қозғоистон, Украина, Швейцария, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг қирқдан ортқ компания ҳамда фирмаларининг энг янги қурилиш технологиялари намуналари намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазманиннг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда қурилиш объекларини пардозлаш ва таъмирлаш учун материаллар, асбоб-ускуналар ва анжомларнинг янги йўналишлари тўғрисида аққол тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, кўргазмада етакчи хорижий компаниялар билан бир



каторда мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда: Жумладан, «AKFA» фирмаси алюминий профилдан замонавий деразалар, эшиклар, витражлар билан бирга уларнинг тарқибий қисмлари билан иштирокчилар эътиборини тортаётган бўлса, «Shosh invest Group» компаниялар гуруҳининг Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида коллежлар, лицейлар қурилиши ҳамда мамлакатимиз минтақаларини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини татиқ этиш билан шугулланиши ҳам муҳим йўналишидир. «ЭЛНУР» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган атмосфера таъсирига учровчи металл, ёғоч ва бошқа қисмларни бўйаш учун мўлжалланган эмаллар, шпатлевкалар ҳам сифатлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Илк бор мазкур кўргазма доирасида очик майдонда мутахассислар эътиборига янги қурилиш технологиялари ва асбоб-анжомлари ҳавола этилмоқда. Бунд-

корлик соҳаси мутахассислари учун турли мавзулардаги семинарлар, шунингдек, маҳаллий ва хорижий компанияларнинг тақдиротлари ўтказилди.

«EXPO Construction — 2005» халқаро кўргазмасида асосий эътибор мавжуд уй-жой фондининг иссиқлик муҳофазасини кучайтирган ва шинамлигини оширган ҳолда модернизация қилиш, қурилиш материалларининг янги авлодини яратишга қаратилмоқда.

Ҳайаймиқки, бу каби кўргазмалар савдо-иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишига, янги технологияларнинг татиқ этилиши ва инвестицияларнинг жалб этилишига кўмаклашади. Бундан ташқари, мазкур кўргазма келгусида мамлакатимиз қурилиш индустриясининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ.

**(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова
олган суратлар.**

ҚАЙТА ИШЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда ўтказилган «Нефтни қайта ишлашнинг долзарб масалалари ва ёғлаш материалларини ишлаб чиқариш истиқболлари» мавзусидаги илмий-техникавий анжуманда нефт-кимё соҳаси ва замонавий технологияларни ўзлаштириш муаммолари муҳокама этилди. Мазкур тадбир «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда илмий янгиликлар, мутахассислар маърузалари, амалга оширилган ишлар ҳисоботи, нефт кимёси фанидаги кашфиётлар, нефт-газга қайта ишлаш, мойлаш материалларини ишлаб чиқаришнинг истиқболлари ва экология масалалари кўриб чиқилди.

— Базавий тармоқлар, жумладан, нефт-газ саноатининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигининг асосий шартларидан ҳисобланади, — деди институт директори, академик Зокиржон Салимов. — Ёниги, минерал, углеводород хом ашёсини мажмула қайта ишлаш устидаги амалий тадқиқотлар натижаларидан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси корхоналарида фойдаланилмоқда.

Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги вақтда соҳа олимлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолиятларида асосий эътибор нефт ва газни мукаммал қайта ишлаш, саноат чқиндирилари утилизация қилиш муаммолари асосий масала ҳисобланади. Институтнинг олтила лабораторияси ходимлари ушбу йўналиш бўйича давлат-техника дастури доирасида амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

З.Салимов янги технологиялар иқтисодиётимизнинг импорт ўрнини босадиган маҳсулотга бўлган эҳтиёжи, экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимиз тармоқларининг хом ашёга бўлган талабини қондириш каби масалаларни ҳал этиши зарурлигини таъкидлади. Жумладан, фойдаланиш-экология сифатларига кўра жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган ёниги-мойлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича нефтни қайта ишлаш технологиялари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Мазкур институтда нефт кимёси ва нефтни қайта ишлаш масалалари билан бир қаторда газга қайта ишлаш, хусусан, газконденсатини қайта ишлаш борасида ҳам етарли тажриба тўпланган. Чунончи, мамлакатимизда йўлга беш миллион тоннадан зиёд газконденсатини қайта ишлашнинг амалий тадқиқотларида асосий эътибор нефт ва газни мукаммал қайта ишлаш, саноат чқиндирилари утилизация қилиш муаммолари асосий масала ҳисобланади. Институтнинг олтила лабораторияси ходимлари ушбу йўналиш бўйича давлат-техника дастури доирасида амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Анжуманда олиб борилаётган илмий текширишлар, уларнинг натижалари, истиқболли тадқиқотларга оид маърузалар нашр қилинди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасида жорий этилган турли конлардан олинган хом ашёни айриб сақлаш ва қайта ишлаш схе-

маси автомобиль бензини унсурларини олиш жараёнининг техника-иқтисодийи кўрсаткичлари ва авиация ёнигилигидан фойдаланиш сифатини анча яхшилаш имконини беради. Республикаимизда йўлга мазкур ёниги 1,4 миллион тоннадан зиёд ишлаб чиқарилади.

Маҳаллий сорбентлар қўллашга асосланган лаборатория қурилмаси Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида ўрнатилди. Бу ерда қурумга қарши мойлаш материалларини саноат асосида синовдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди ва у «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг давлат акциядорлик компанияси томонидан маъқулланди. Мамлакатимизнинг темир йўл транспортининг мазкур маҳсулотга эҳтиёжи катта бўлиб, уни хориждан келтириш учун бир йилда уч юз минг долларга яқин маблағ сарфланади. Мазкур маҳсулотнинг дастлабки тажрибавий ишланмалари хусусида 2004 йилда институтда ўтказилган бундан аввалги анжуманда эълон қилинган эди.

Анжуман қатнашчиларини саноат секторидagi фаолияти хусусида «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик компанияси бoш муҳандиси Қўриб Иброҳимов таништирди. У компаниянинг ўз хом ашёси билан ишлаши

ва ишлаб чиқариши нефт маҳсулотлари билан тўла-тўқис таъминлаётганини таъкидлади. Шу билан биргаликда, импорт техникасига зарур бўлган — қиллоқ ҳўжалиги агрегатларидан тортиб Мерседес-Бенц ва ДУУ компанияларининг машиналаригача мўлжалланган молларни ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган ишлар айниқса эътиборда турибди.

Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортни ҳажмини кўпайтириш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» томонидан четдан келтирилган нефт ҳам қайта ишланади. Қ.Иброҳимовнинг сўзларига кўра, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи технология қурилмаларининг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида, Сингапурнинг «Ангот» компанияси билан келтирилдиган нефтни қайта ишлаш борасида шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон нефт-газ саноати оғир саноатнинг энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, 95 фоиз ёнигили-энергетика захираларини ишлаб чиқарувчи ва республикамиз энергетикасининг 93 фоизини таъминловчи база ҳисобланади. Табиий газ қазиб чиқариш бўйича мамлакатимиз жаҳоннинг йирик етти давлати сирасига қиради. Ҳозирги пайтда нефтининг асосий конлари юртимизнинг жанубий ҳудудларида, асосан Қашқадарь вилоятида жойлашган бўлиб, Қўқдумалоқ, Зеварда, Жирқоқ, Шўрчи йирик конлар мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади.

«Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАР-ДОШЛИГИ ОРТМОҚДА

“Ўзқайнак” қўшма корхонасида тайёрланаётган мебель маҳсулотларининг тури ўтган ўн йил давомида 350 хилдан ортиб кетди. Шунинг баробарида импорт ўрнини босувчи мебель маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ҳам таъминланмоқда.

Ушбу мебелларни тайёрлашда асосан маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилади, фурнитура ашёлари эса Туркиядан келтирилади. Бозорни, буюртмачилар талабини тинмай ўрганишга интилаётган мебелсозлар сифата, мустаҳкамликка ва маҳсулотнинг чидамлигига аҳамият қаратишади. Янги мебель турларини яратишда эса Туркиядаги таниқли фирмаларнинг каталогларидан ижодий фойдаланиш самара бермоқда.

Жорий йилдан бошлаб корхона Чилонзор туманидан жой сотиб олиб, ўз чехларига эга бўлди. Туркиядан келтирилган хоржий ускуна билан таъминланган чехларда юмшоқ мебеллар, идора, офис, уй-жой мебеллари тайёрланиб, асосан фирма дўконидан сотилади. Шунингдек, корхонанинг тендерлардаги иштироки, ярмаркалардаги маҳсулотлар кўргазмаси буюртмалар ортишида катта аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар келгусида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш ниятида хоржидан бир йўла 5 та операцияни муваффақиятли бажаришда қўл келадиган янги ускуналар келтиришни режалашмоқда. Бу ишлаб чиқариш ҳажми ортишида ва янги ишчи ўринлари яратишда ҳисса бўлади.


ЎЗБЕК МАРКАСИ БИЛАН

“Интер-сок” Россия — Англия — Ўзбекистон қўшма корхонасининг фаолият бошлаганига ҳали бир йил тўлмаган бўлсада корхона маҳсулотлари — 9 турдаги табиий шарбатлар аллақачон ўз харидорини топган.

“Фруктовый сад” маркази остида Швециянинг “Тетрапак” линияси ёрдамида қадокланаётган ушбу шарбатлар ҳозирда нафақат ички бозорда, балки хорж бозоридан ҳам харидориги бўлиб бормоқда. Бунинг асосий боиси юртимизда етиштирилаётган ширин шарбат меваларнинг сифатида ва уни қайта ишлашда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишдадир.

— Яқин келгусида ўзбек маркази билан маҳаллий хом ашё — анор ва узумдан ҳамда мевалар аралашмасидан янада сифатли шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз, — дейди қўшма корхона бош директори Юрий Нуриддинов. Шунингдек, маҳсулотларимизни Тожикистон, Қозғоғистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилишни кўзда тутганмиз. Ишлаб чиқаришни ошириш баробарида 50 та қўшимча ишчи ўринлари яратиб, маҳаллий йигит-қизларни иш билан таъминлаймиз.

Шарифа ИЛЁСОВА



ПАХТА ЯРМАРКАСИДАН ҲАММА МАНФААТДОР

Тошкентдаги Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасига дунёнинг 26 мамлакатидан 200 дан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари таширф бўлди.

— Мазкур тадбир дунё пахта бозорининг етакчиларидан саналувчи Ўзбекистон ўз мавқеини сақлаб қолиш билан бирга ўз энгил саноатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётганидан далолат берди, — деди “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан сўхбатда Швейцариянинг “International Cotton Trading Limited” компанияси вакили Жованни Серимедо. — Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 30 фоизи маҳаллий корхоналар томонидан қайта ишланмоқда. 2008 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетади. Бу эса мамлакатингиз нафақат пахта етиштириши, балки уни қайта ишлашда ҳам улкан салоҳиятга эга эканини англатади.

Шу ўринда ўзбек пахтасининг сифати йилдан йилга яхшиланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Бу нарсани Ўзбекистон бозоридан ўн беш йилдан буён фаолият

юритаётган компаниямиз ўз тажрибасида кўрмоқда. Биргина ўтган йили биз мамлакатингиздан 45 минг тонна пахта толасини сотиб олдик. Аминман, бу йилги кўрсаткичларимиз ҳам ўтган йилгидан кам бўлмайд.

Ҳиндистоннинг “Nahar Export limited” компанияси вакили Гушаран С. Дхиманининг айтишича, кўп йиллар давомида унинг компанияси ўзбек пахтасини америкалик трейдерлар орқали харид қилган.

— Ҳар йили бизнинг кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхоналаримизга 100 минг тоннага яқин пахта толаси керак бўлади, — дейди ҳиндистонлик ишбилармон ва ҳар йили биз бу масалада америкаликларга мурожаат қилар эдик. Лекин бу йил Тошкентда пахта ярмаркаси ўтказилишини эшитиб, унда иштирок этишга қарор қилдик. Натихада, биз ўзбекистонлик ишбилармонлар билан бевосита алоқа ўрна-

тиш имконига эга бўлдик.

Буюк Британиянинг “Grand Elegan Trading” компанияси ваколатхонаси раҳбари Адҳамжон Усмоновнинг таъкидлашича, Тошкент ярмаркаси европалик бизнесменларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда Европанинг энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи аксарият фирма ва компаниялари Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларига сармоя киритишга ошқимқоқда. Сабаби, бу ердаги ишчи кучи Европада нисбатан анча арзон ва устига-устак, мазкур минтақадаги истеъмолчи бозори ҳам жадаллик билан кенгайиб бормоқда.

— Шу маънода Тошкентда пахта ярмаркасининг ташкил этилгани хорижликларга ўзбек пахтасини воситалардан эмас, балки бевосита ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш имконини берди, — дейди А.Усмонов. — Бу бир тарафдан пахта толасининг нархи бирмунча арзонроқ бўлишини таъминласа, бошқа жиҳатдан Ўзбекистондан олинган пахташни Осиёда жойлашган энгил саноат корхоналарига етказиш ҳам бир неча баробар камхарж бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун бу ярмарканинг ўтказилишидан барча манфаатдор, деб бемалол айтиш мумкин.

Бобур СОБИРОВ,
“Жаҳон” АА

ҲАМКОРЛИК РЕЖАЛАРИ

Хитойнинг «Tianjin cotton exchange market» компанияси яқин келажакда қўшма савдо корхонаси тузиш билан ўзбек пахта толаси бозоридан ўз мавқеини мустаҳкамлаш ниятида. Бу ҳақда компаниянинг бош менежери Би Южан «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилди.

муносабатларни янада кенгайтириш борасидаги режаларнинг жиддий эканидан далолат беради. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Бугунги кунда компаниянинг Хитойдаги доимий миқозлари сони уч юздан зиёд тўқимачилик корхоналаридан ташкил топган. Табиийки, бу сердаромад иш. Мамлакат ичкарисида пахта толаси харидорлари доирасини кенгайтириш учун компанияда барча шароитлар

мавжуд. Энг аввало — Хитойнинг жанубидан тортиб шимолгача коммуникацион тизим алоқа даражада йўлга қўйилган.

— Масаланинг яна бошқа жиҳати шундаки, Хитой тўқимачилик корхоналарининг ўзбек пахта толасига бўлган эътиёжи йилдан-йилга ўсиб бормоқда, — деб таъкидлади Би Южан. — Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, пахта хом ашёсини ишлаб чиқарув-

чиларга фойдалироқ шартларни тақдир қилиб, бошқа харидорлар, жумладан, хитойлик харидорлар билан ҳам рақобатлаштириш тўғриси келади. Янги қўшма корхона компания мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда қўшма корхонани қим билан, қандай шартларда тузиш фойдалироқ экани ҳусусида фикр юритилмоқда. Хитойлик менежер компаниянинг «Uzprommashimpeks» Ўзбекистон ташқи савдо билрашмаси билан ҳамкорлиги давом этишига умид билдириди.

Хитойнинг «Tianjin cotton exchange market» компанияси 1996 йилда ташкил этилган. У Ўзбекистон, Ҳиндистон, Покистон ҳамда Африка ва Америка давлатларидан пахта импорт қилиш билан шуғулланади.

«Туркистон-пресс»

Хусусийлаштириш

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Нафақат гўзаллик шайдолари бўлган қиз-жувонлар, балки эркеклар ҳам доимо чиройли, ораста, башан кўриниши хоҳлайдилар. Бунинг учун эса малакали усталар хизматидан фойдаланадилар. Худди шундай қилди гул усталар Чилонзор туманидаги «Муқаддамхон» гўзаллик салоҳида ҳамшаҳарларимизга сўзқилдиган хизмат кўрсатишмоқда.

2002 йилдан иш бошлаган мазкур салон жамоаси ўз ишининг мохир усталаридан иборат бўлиб, бу ерда ҳар бир миқозга олиқ даражада хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Гўзаллик салонининг заллари, ёрдамчи хоналари чиройли, дид билан безатилган, саранжом-сарийш таҳамда асосийси керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Кўвонари томони, барча ишчи-хизматчилар миқозларга ўта эътиборли ҳамда ҳушмуомала эканликларини яққол кўзга ташланади. Соҳадаги рақобат инобатта олиниб, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда жамоа ахли миқозлар кўнглига йўл топмоқда.

Жамоанинг касбига меҳр қўйган, доимо янгиликка интилувчан, ташаббускор 10 нафар устасарошлари аҳолига намунали хизмат кўрсатишга астойдил бел боғлашган. Масалан, аёллар соция-

ри бўйича усталардан Дилшод Каримқуллов, Марғуба Исажоновна, Лена Аваспаповаларга нафақат яқин-атрофдагилар, балки пойтахтнинг турли бурчакларидан келиб, дидларига мослаб соч кестириб, турмақлатишади.

Шунингдек, олий тоифали усталар — Наталья Цой, Камолжон Мухторов каби эркеклар сартошларини ҳам ўзларининг йўналишлари, замонавий услублари билан 7 ёш дан 70 ёшга бўлган миқозларни меҳнатлари билан мамнун этишмоқда. Икки йил аввал тажрибага бой косметолог хизмати йўлга қўйилди ҳамда унинг савий-характерларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Даволовчи косметолог Елизавета Цой ўз терисини тўғри парваришлаш, ундаги нуқсонларни бартаратиш этиш, табиий, ёштарувчи ниқобларни қўллаш каби малакали мутахассис хизматини ўзига хос ҳушмуомалалик билан амалга оширади. Ушбу гўзаллик салоҳида аҳоли-

га маникюр, педикюр ҳам тавсия қилиниб, уларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Бу ерда ҳар бир миқознинг ёши, касби, юз тузилиши каби кўплаб сифатлари эътиборга олинади. Шу боис салоннинг доимий миқозлари сони ортиб бормоқда.

Эътиборли томони, жамоанинг тажрибали усталари «Усташоғирд» йўналишида самарали сайё-харакатларни амалга оширмоқдалар. Маълум касбга қизиқувчи, унга меҳр қўйган ёшларга сабоқ берилади, иш ўргатилади. Жорий йил бошидан 30 нафардан ортиқ фуқароларга масалан, сартошлик, косметологиянинг сирасорлари ўргатилди ҳамда аввал шогирд бўлган ёшлардан 4 нафар бугунги кунда устозларидан олган ўғитларини амалда қўлламоқдалар, яъни, улар билан ёнма-ён ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Кўпчилик ёшлар эса юртимиз-



да хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўз ишларини юритмоқдалар. Бунда уларга «Муқаддамхон» гўзаллик салоҳидаги касбини эъзозлаётган, тажрибаси зўр усталардан ўрганган амалий машғулотлари, иш кўникмалари мадад бўлмоқда.

МУҚАДДАМХОН СУРАТДА: «Муқаддамхон» гўзаллик салоҳида ҳар бир миқозга алоҳида эътибор билан хизмат кўрсатилиши оддий ҳолга айланган. Алексей Попов олган сурат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳар бир соҳада янгила-нишлар, ўзгаришлар рўй бериб, туб ислохотлар амалга ошмоқда. Бу шахримиз қиёфасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айниқса шахримиздаги ўн битта туманда олиб борилётган бунёдкорлик, обдончилик ишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Бу ўзгаришларни кўриб нафақат шахримиз аҳолиси, балки хорижлик меҳмонлар ҳам қойил қолмоқдалар. Албатта шахримиз ва республикамизда хайрли мақсадларни кўзлаб амалга ошириладиган бундай янгила-нишлардан хабардор қилишда матбуотнинг, айниқса газеталарнинг ўрни беқиёсдир. Матбуотни, жоиз бўлса, ҳаёт кўзгуси десак хато қилмаймиз. Газеталарни мунтазам кузатадиган киши албатта ҳаётимизда бўлаётган барча янгиликлар, хушxabарлар, ютуқ ва муаммолар билан танишади. Айни кунларда газеталарга обуна қизгин бораётган бир паллада «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятининг ижодий ходимлари ҳар бир туман ҳокимлигида туман фаоллари билан учрашув ўтказиб, очиқ мулоқотда бўлмоқдалар. «Оқшом» газеталари ижодий ходимлари билан муштарийларнинг навбатдаги мулоқоти Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида қизгин баҳс-мунозараларга, таклифларга бой тарзда ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари кўп йиллардан буён ўз мухлисларига эга бўлиб, шахримиз ҳаётини ҳар кун ўз саҳифаларида мунтазам ёритиб келмоқда. Хусусан, шахримизнинг барча туманларида амалга ошириладиган ишлар газетанинг махсус саҳифаларидан жой олмақда.

Мирзо Улуғбек шахримизнинг энг кўзга кўринган обод ва кўркем туманларидан ҳисобланиб, катта илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга, кадрлар тайёрлаш ўчоғи саналади.

Мустақиллик йилларида туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, шунингдек қурилиш, саноат, тиббиёт соҳаларида улкан янгилашлар, ўзгаришлар амалга ошди, самарали ютуқларга эришилди. Айниқса маҳаллалар янада обод бўлиб, чирой очди. Эл фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунёдкорлик ишлари кенг кўламда давом этаётди. Жумладан, бу йил тумандаги Белоножко номидаги кўча қайта таъмирланиб, кенгайтирилди ва унга «Юзработ» деб ном берилди. Шунингдек, «Олтинтепа-5» маҳалласида янги гузар бунёд этилди. «Гулистон» маҳалла гузари ва «Олтинтепа-10» маҳалласида болалар майдончаси, А.Югнакий мавзеида эса спорт мажмуаси барпо қилинди. Таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида туманда жойлашган умумтаълим мактабларида 2005-2006 ўқув йилига қизгин тайёргарлик кўрилди. Жумладан 207, 211, 130, 225- мактаблар, шунингдек, Тошкент саноат касб-хунар коллежи капитал таъмирдан чиқарилди. Туманда Сихат-саломатлик йили муносабати билан тиббиёт соҳасида олиб борилётган туб ислохотлар ҳам диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан, 7 та оилавий поликлиника, 2 та стоматологик поликлиника, 2 та диспансер, 6 та шифохона таъмирдан чиқарилди. Шуни ҳам таъкидлаш керак, бу йил «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг

тиббиёт-санитария қисми Япониянинг 87 минг АҚШ доллари қийматидаги грантига сазовор бўлди. Туманда 39 та йирик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларда ишлаб чиқариш бир маромда кетмоқда.

Албатта туманда барча соҳалардаги янгиликлар, маданий-маърифий тадбирлар «Оқшом» газеталари саҳифаларида мунтазам ёритиб келинаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Шахримизнинг кенг салоҳиятли, файзли тумани ҳокимлигида «Оқшом» газеталари ижодий ходимлари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ўзига хос ва қизиқарли тарзда кечди. Учрашувда тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, халқ таълими ва банк тизими ходимлари, корхона, ташкилотлар ҳамда ўқув муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Иргашев очар экан, ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиш қийин эканлигини, тўртинчи ҳокимият деб ном олган, халқ минбари ҳисобланмиш матбуотнинг ҳаётимизда аҳамияти жуда катта эканлигини, хусусан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини ҳар кун мутолаа қилиб турли-туман мавзудаги материаллар билан танишиш, пойтахтнинг кундалик ҳаётини ҳис этиш мумкинлигини, газета албатта кишиларнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-маърифий онгини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мулоқот давомида «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири Акмал Ақромов тахририятда олиб борилётган ишлар, келгусидаги режалар билан ўртоқлашди. Шунингдек, йиғилиш давомида Мирзо Улуғбек тумани муштарийлари «Оқшом» газеталари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифларини баён қилдилар. Куйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

● **Ҳалима ЖУМАНИЕЗОВА,** «Маънавият ва маърифат» мар-

казининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари:

— «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини туманимиз аҳли севиб ўқишади. Жумладан ўзим ҳам бу газетанинг кўп йиллардан буён ҳақиқий

ўқимишли чиқиши учун маънавий-маърифий тадбирлар сал бошқачароқ усулда, бадиий тарзда ёритилса, шунингдек, ҳикоялар, ёшлар тарбияси билан боғлиқ мақолалар, шеърятга ҳам кўпроқ ўрин берилса мақсадга

мақолаларни қизиқиб ўқиймиз. Бундан ташқари, «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур», «Оила даврасида», «Кулги-хона» саҳифалари, кроссвордлар эътиборимиздан четда қолмапти. Шуни айтиш керакки, газетада ёшлар тарбиясига оид мақолалар,

да газеталар сони ошиб кетган. Лекин уларнинг ҳар бирида мазмун, мавзу бошқача. «Оқшом» газетаси оммабоплиги, ҳам катталар, ҳам ёшлар учун ўқимишли эканлиги билан ажралиб туради. Маҳалламиз аҳли ҳам кўпроқ шу газетага обуна бўлишади. Чунки унда маҳаллалар фаолияти мунтазам ёритиб борилди. Шунингдек, газета саҳифаларида «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур», «Кўнгилдаги гаплар», ва саломатликка бағишланган мақолалар, мутахассис шифокорлар маслаҳатларини ҳар бир газетхон севиб ўқиса керак. Келгусида газетада маҳаллалар ҳаёти, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг олиб бораётган ишлари яна ҳам кенгроқ ёритилса нур устига аъло нур бўларди.

● **Дилшод АХМЕДОВ,** туман Тадбиркорлар палатаси касаба уюшма кенгаши раиси:

— Газета ҳақида фақат яхши фикрларни билдириш мумкин. Уни ўқиб, пойтахтимиз ҳаётини ойнада кўргандек бўламан. Ҳар доим ҳамма сонини кузатиб бораман. Ўзим ҳам мақолаларим билан қатнашиб тураман. Газетада тадбиркорлар фаолияти ҳақида уларнинг муаммолари ва ютуқлари тўғрисидаги мақолалар кенг ёритилади. Бундан буён ҳам тадбиркорларга кўмак берувчи мутахассислар, ҳуқуқшунос маслаҳатлари, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги мақолалар бериб борилса деган умиддаман. Негаки хусусийлаштириш жараёни ривожланиб, тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сафи тобора ошиб бораётган бир вақтда бундай мақолалар албатта зарур деб ҳисоблайман.

● **Муаттар АЗЛАРОВА,** Мирзо Улуғбек машинасозлик коллежи директори:

— Газета ўқиган кишининг сўз бойлиги ортади, маънавияти ошади, деб ўйлайман. Шу ўринда «Тошкент оқшоми» газетаси ҳақида ҳам шуни айтишим мумкинки, уни варақлаб керакли мавзудаги мақолаларни кузатаман.

Айниқса, таълим-тарбия масканлари, умуман ёшлар ва улар тарбияси билан боғлиқ мақолаларни ўқиб, ҳамкасбларимга ва ёшларга ҳам ўқиш учун тавсия қиламан. Газетада бошқа газеталарда учрамайдиган бир жиҳатни биланки, бу турли мавзуларга бағишлаб тайёрланган саҳифалар бўлиб, уларни мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, «Ҳаёт боғининг гуллари», «Хатлар — ҳаёт ойнаси», «Тадбиркорлик», «Саломатлик — туман бойлик» сингари махсус саҳифалар газетхонни ўзига жалб қилади. Мен фурсатдан фойдаланиб, ўз таклифларимни билдирмоқчиман, газетада таълим соҳасига, жумладан шахримиздаги коллеж, лицейлар фаолияти, иқтидорли ўқувчилар ҳақида ҳам кўпроқ мақолалар ёритилса, кўнгилдагидек иш

бўларди.

● **Манзура ЗОКИРОВА,** «Оқибат» маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Мен бўш вақтимда газета ўқишни ёқтираман. Айниқса «Тошкент оқшоми» газетасининг кўп йиллик мухлисман. Унда ёритилган ранг-баранг мавзудаги мақолаларни оила даврасида катта қизиқиш билан ўқиймиз. Баъзиларини муҳокама қиламиз. Айрим мақолалар тўғрисида танқидий фикрлар ҳам билдирамиз. Кейинги вақтларда газетада ҳикоялар, «Турмуш чорраҳаларида» рўкнида, шунингдек, урф-одатларимиз, ота-онага муносабат, катталарга хурмат, меҳр-оқибат тўғрисидаги мақолалар камайиб кетяпти. Ана шундай мақолалар тез-тез бериб борилса, газета яна ҳам ўқимишли, мазмунли бўлиб, ўз мухлисларини йўқотмайди деб ўйлайман.

● **Раънохон ХОЖИЕВА,** «Оққўрғон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— «Оқшом» газетаси ҳақида доимо яхши фикрдаман. Газетани ўқиб аввало пойтахтимиздаги янгиликлар ва дунё воқеаларидан хабардор бўламан. Айниқса, маҳалла, аёллар фаолиятига бағишланган мақолалар эътиборимизни тортади. Шу боис ҳар йили шу газетага обуна бўламан ва маҳалла аёлларини ҳам шунга даъват қиламан. Газета ҳам маънавият ўчоғи саналади. Уни ўқиб борган сари билмаган, эшитмаган нарсалар ҳақида кўпроқ билимга эга бўлади киши. Албатта бошқа газеталар ҳам мазмунли, лекин «Тошкент оқшоми» газетаси маҳалламиз учун доимо азиз ва қадрли. Истардимки, ушбу газета ижодий ходимларининг қаламлари доимо ўткир бўлсин, газетанинг бизга ўхшаган мухлислари бунданда кўпайиб, нуфузи янада ошсин ва мазмунга бой бўлсин.

Шу кун Мирзо Улуғбек тумани муштарийлари билан ўтказилган очиқ мулоқотда шу нарсга амин бўлдики, туманда «Оқшом» газеталарининг мухлислари кўпчиликини ташкил этар экан. Мулоқот чоғида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар албатта келаси йилда ҳам унга обуна бўлиб, ўз хонадонларида яна ардоқда бўлишини таъкидладилар.

Баҳс-мунозаралар, таклифлар асосида ўтган қизиқарли учрашув давомида «Тошкент оқшоми» кутубхонаси туркумида чоп этилган «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» номли китобча муштарийларга тарқатилди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида бўлиб ўтган қизгин мулоқотдан лавҳалар; туманнинг бугунги қиёфаси.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар



мухлисман. Оиламиз учун ҳам «Оқшом» газеталари кадрдон. Қачон газета саҳифаларини варақласангиз, албатта ранг-баранг мавзудаги мақолалар, айниқса, саломатлик, хотин-қизлар, тадбиркорларга ва шу каби махсус соҳаларга бағишланган мақолаларни қизиқиб ўқишингиз табиий. Шу ўринда газета ижодкорларига ўз таклифларимни билдирмоқчиман. Келгусида газетанинг яна ҳам мазмунли ва

мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. ● **Зухра АЗИМОВА,** тумандаги 222-ўрта мактаб директори:

— Кўп йиллардан буён «Оқшом» газеталарига мактабимизда обуна бўлиб, уни мунтазам ўқиб борамиз. Газетада шахримизнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига доир мақолаларни, айниқса таълим соҳасидаги янгиликлар, ҳуқуқимиз қарорларини, ўқитувчилар ва мактаблар фаолиятига бағишланган

педагог-руҳшунослар билан суҳбатлар мунтазам бериб борилса, яна ҳам яхши бўларди. Истардимки, газетанинг келгуси йилда мухлислари яна ҳам кўпайсин.

● **Тўхтамурод АБДУКАРИМОВ,** Амир Темура номли маҳалла оқсоқоли:

— «Тошкент оқшоми» халқимизнинг сеvimли газетаси ҳисобланади. Бу газетани эсимни танибманки хонадонимиздагилар ҳаммаси севиб ўқишади. Тўғри, бугунги кун-

Шарқ дурдоналари



● Эй азиз, билгилки, одамзот дунёда қўлида борига қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга таъма қўлини чўзмайди. Кимки керагидан ортиқча нарса кидириш пайда бўлса меҳнатлар домига тушади. Бесабрлик ва таъма олови уни хорлик кўчасига иргитиб ташлайди, одамларнинг назаридан четда қолади. Натижада ундай киши надомат тўрига ва маломат ўкига дучор бўлади. Билгилки, таъма барча балоларни келтирувчи ва жумлаи офатларни кўзгатувчи дур.

● Ҳасад киши одамларнинг шод ва хушқоллигидан доимо ғам чекади ва алам тортади. Ҳа, дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

Назм:
Дармон қабул қилмас иллатдир ҳасад,

Ҳасадчининг доим ғамидир беҳад!
● Кишининг ўз нафсидан қочиши йиртқич шердан қочгандан фойдалани.

● Унутмагинки, таъмаси кўп кишининг инсофи оз бўлади.

Таъмагир ўзи учун келатган ҳалокатни ўзи билмайди.

Пасткак одам бирор кимсани севса у кўрқанидан севади ёки таъмагирликдан.

● Ҳикмат. Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт:
Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан беради нишон!

● Айтишларича, бир оқил йигит ҳақида қуйидагича ҳикоя қилишар экан. У дўстлари билан ҳаммиша улфат, улар билан доимо ҳамдаму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас, қўлидан келганича яхшилик қилар эди. Тилидан эса қуйидаги шеърни тараннум қилгани қилган экан:

Бугун кўлда бор экан йигитликнинг даврони,

Файрат қил, оғримасин сандан ҳеч кимнинг жони! Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди, Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар ҳазони!

Унинг хулқи ва одоби туфайли барча киши унинг ҳузурда бандили камари ни боғлаб, хизматига ҳозир нозир экан.

● Фаридуддиндан сўрадилар:
— Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?

У деди:
— Чидам ва мулойимлик! Яна ундан сўрадилар:
— Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади?

У яна:
— Чидам ва мулойимлик билан, — деб жавоб берди.
● Дўстларга ҳеч қачон озор берилмайди. Душман билан муомала қилинганда эса ақл ва инсоф чегарасидан чиқмаслик керак.

Оила даврасида суҳбатлар

Инсон шахси аввало қандай шароитда шаклланиши, деган саволга — инсон шахсини шакллантириш оладан бошланади, хусусан, Болада ирода, одатлар, феъл-атвор, муносабат, эътиқод ва қарашлар вужудга келади, — деб жавоб берадилар.

Ўзбек оиласида тарбиянинг ишонтириш, тушунтириш, насиҳат, ибрат, намуна, яхши фазилатларни рағбатлантириш, танбех бериш, оғохлантириш, жазолаш каби услублари қўлланилади. Бола ота-онанинг оғушидан, илик нафасидан, қалб ҳароратидан баҳра олиб ўсади. Олам сирларини илк бор улардан ўрганади. Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асоси — унинг маънавий оламини эътиқодни шакллантиришдир. Бунга бола-ни маънавий қўдратларга амал қилишга ундаш ва ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Ота-она ўғил-қизларни тарбиялашда уларни қўрқитишдан ёки асоссиз кўрсатма, буйруқ беришдан ўзини тиймоғи шарт. Баъзи ота-оналар ўз фарзандлари билан кам мулоқот қилиши, деган саволга «сирлироқ» тутиб юрилиш билан обрў орттиришни уйлашади. Аслида ота-оналар ўз фарзанди билан қанча кам мулоқот қилса, уларнинг ўзаро беғоналашиш ва лоқайдлашши ҳолати кучаяди. Бола оилада ота-оналар, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар билан муносабатда, мактабда, жамоат жойларида катта ёнсадилар, ўз тенқурлари билан мулоқотда маънавий, руҳий жиҳатдан шаклланиб, тажриба орттириб воғага етади. Оилада бола шахсининг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун зарур руҳий хотиржамлик, эркин ва сокин муносабат, ўзаро товуллик мухити яратилган бўлиши зарур. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муҳаббат, фикрий бирлик, ҳамжиҳатлик, ҳурмат, ширинсуҳанлик, бир-бирига ишонч ва меҳр, фидойилик ва содиқлик мавжуд бўлса, бун-

дай муомала бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Шундай юксак оила муҳитида тарбияланган фарзанд чинакам бахту қувонч нима эканлигини тасаввур қилади: улғайиши, яшаш мақсадларига, эзгу маслакка асосланиб такомиллашади. Натижада оила жамиятни маънавий ва моддий юксакликка олиб чиқувчи шахсини воғага етказилади.

Фарзандларнинг ёш хусусиятларини муносабат, тарбия жараёнида ҳисобга олмаган ота-оналар баъзан ўта талабчанлик, айрим зарур ҳолларда ўта белпарволик қилишади. Бу эса, ота-оналар билан ўсмирлар ўртасида зиддиятларни кучайтиради, натижада серҳаракат, серташвиш болаларда нарсаларга ишонсизлик ва ҳатто асаб хасталиқлари келиб чиқади.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтани

бўлмаган, носоглом оилаларнинг қўлайиб бораётгани, болаларни назоратсиз қилиши натижасида ёмон феълли одамлар таъсирига тушиб қолаётгани асосий сабабдир. Воға етмаган болаларнинг бўш вақтини ўтказишнинг тўғри ташкил этилмаслиги оқибатида уларнинг бўш вақтлари назоратсиз ўтмоқда. Натижада улар бўш вақтларини зўравонликни, шахвонийликни, ахлоқсизликни, ҳаёсизликни ташвиқ қилувчи видеофильмлар кўришга, бозорларда, шохбекатларда назоратсиз юришга, спиртли ичимликлар, пивванд ва токсик моддаларни истеъмол қилишга сарф қилмоқдалар. Жиноят содир этган воға етмаганлар ўртасида (шу жумладан гуруҳ таркибидан) анкета сўровлари ўтказилганда, улар бўш вақтларини интернет клубларда фильмларни кўриш, кимор ўйинларини ўйнаш, спиртли ичимликларни, наркотик ва токсик моддаларни истеъмол қилиш, кўчаларда ва бозорларда сангиб юриш билан ўтказишлари ойдинашди. Воға етмаганларнинг жиноятчилигига сабаб бўладиган шарт-шароитларга қуйидаги омилларни киритиш мумкин:

- назоратсизлик — ота-оналар ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар томонидан ўсмирлар устидан зарур бўлган назоратнинг йўқлиги;
- ўсмирларнинг ҳуқуқий тарбиясидаги муаммолар;
- жазоларнинг барча турлари, айниқса, ҳқми ижро қилиш, озодликдан маҳрум қилишнинг қўлланилиши етарли даражада самара бермаслиги;
- болалар ва ўсмирларнинг химоясизлиги, ҳуқуқсизлиги;
- қўшиш, урбанизация, миллий ва этник муаммолар билан боғлиқ жараёнлар ва бошқалар.

Ёшлар билан ишлашда ҳуқуқий тарбиянинг улариға хусусиятларини ҳисобга олувчи мақсад ва вазифаларини, шакли ва усулларини аниқ белгилаш, ҳуқуқий хабардорликни кенгайтириш, ҳуқуқий билимларни чуқурлаштириш, умумий ҳуқуқий таълим тизимини яратиш, унинг шакллари, воситалари, ижтимоий ҳодисаларни ҳуқуқий далалини мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий маданиятни эгаллаб олиш учун ёшлар ҳуқуқнинг ижтимоий ва маънавий қадрини тушуниб етишлари, фуқаровий ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини англашлари, хулқ-атворларидан қонуни ҳурмат қилишга асосланганлиги, ижтимоий ҳодисаларни ҳуқуқий нуқтани назардан баҳолай билишлари керак.

АКРОМ АКМАЛОВ, Маҳмуд АЛИМОВ, доцентлар

Муносабат

БОЛА ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашнинг устувор вазифалари афвотда нафақат таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органлари, балки, оила ва маҳалланинг вазифалари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари ёшлар тарбиясида халқнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбаъшарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, таъсирчан шакл ва воситалардан амалиётда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

назар, ўзликини англаш, баҳолаш шаклланидиган давр ҳисобланади. Бу ўринда Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги “Тарбия ё ҳаёт — ё макот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” — деган фикрининг мазмун-моҳияти бутунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқдир. Яъни, тўғри тарбия топган бола ҳаётда ўз ўрнини топади, жамиятга фойдаси тоғади, тарбияси издан чиққан боланинг келажак тақдирини шахс сифатида барбод бўлиши мумкин. Боланинг тўғри ёки нотўғри тарбия топшишига биринчи омил ота-онадир. Тарбияси оғир ҳисобланган болалар билан ўтказилган суҳбатларда улар уйларидадан кетиб қолишида кўпроқ отасининг қўполлиги, сўзончилиги, маст бўлиб келиб уруш-жанжал қилиши, фарзанди билан самимий гаплашмаслиги ва бошқа иллатларни сабаб қилиб кўрсатадилар. Жиноят содир этган ўсмирларнинг сони ортиб боришида тўлиқ

Ёш вақтингизда

КРОССВОРД

	1	2		3	4	5
				6		
7					8	9
			10			
11		12	13		14	15
			17			
	18				19	
20				21		22
			23			
24	25			26		27
			28		29	
			30			
31					32	
			33			34

Энига: 1.Фарб томонинг яна бир китобий номи. 3.Каспий ва Қора денгизлар оралиғидаги ҳудуд. 7.Оддий каср қисми. 8.Бирма маркази. 10.Ким ошди савдоси. 11.Почта хизмати ёрлиги. 15.Порлоқ келажак. 17.Соат қисми. 18.Катта эшик. 19.Шифобахш, парҳез таом. 23.Ҳордиқ маскани. 24.Тутқич. 26.Танаси игнани жонивор. 30.Нозанин аёлларга бериладиган таъриф. 31.Кучли, кудратли киши. 32.Куй ижро этувчи. 33.Ўтмишда хонлик қўшинининг пиёда аскари. 34.Фил суягининг ашё сифатида ишлатиладиган қисми.

Бўйига: 1.Ҳаживёт устаси, мумтоз шоир. 2.Қамария йил ҳисобидидаги еттинчи ой. 4.Болгариядаги оромгоҳлар шаҳри. 5.Хорватиянинг асосий шаҳри. 6.Кавказдаги оромгоҳ. 7.Муҷал ҳисоби таркибига кирувчи йил. 9.Сунъий тола. 12.Курилик ва саноатда ишлатиладиган маъдан. 13.Рассомлик санъати соҳаси. 14.Қурувчи уста. 16.Мамлакатимизда етиштириладиган бугдой нави. 20.Уруғи нонга кўрк берувчи ўсимлик. 21.Қитъа. 22.Шифобахш чўл гиёҳи. 25.Тригонометрик функция. 27.Ўзбек халқ достони. 28.Кўшдан таралувчи нур. 29.От туси.

Фозилжон ОРПОВ тузди.

ТАФАККУР КАМОЛТОҚ

- Юракдан қилмайсизми, демак сизда дард бор.
- Сизнинг кимлигингизни нутқингиз айтиб беради.
- Сергал, мақтанчок, такаббур кимсаларнинг билинги, «томи кетган» бўлади.
- Ношуд, саводсиз «кўр» бошлиқ сизнинг тер тўкиб ҳалол меҳнат қилаётганингизни қаердан ҳам кўрсин.
- Одоб бобидаги бойлик бошқа бойликларга пойдевордир.
- Пул сизни эмас, сиз пулни етакланг.
- Нутқингиз бой бўлишини истасангиз, сўз бойлигингизни қўпайтиринг.
- «Совуқ юрак» кимсаларга яхшилик қилманг, ўзингиздаги иссиқни беркорга исроф қилган бўласиз.
- Ўзидан олган маблағни ўзига қайтариб бериш ҳали мурувват эмас.
- Камбағал бойиган сари хасислашади. Шундан «кўрмаганнинг кўргани курсин», дейишди чоғи.
- Ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор бўлганидек, умнинг ҳам чеки бор.
- Ўғил кўрдим деб мақтанманг, ўғил тарбияладим, деб мақтанинг.
- Текинхўрдан нон қаердан келади, деб сўрасангиз, дўқондан оласиз, деган жавоб қилади.
- Бир марта алдадим, бас, «Энди алдамайман» деган унинг сўзи ёлғондир.
- Шундайлар борки, тўғри гапдан қингир хулоса чиқариб дилингни хуфтон қилишади.
- Саводи йўқ «билимдон бошлиққа» гап қайтарманг, акс ҳолда сиздан аламини олади.
- Ақли раҳбарга ўз фикрингизни айтинг, ақлсиз бошлиққа фикр айтиш эса уни увол қилишдир.

Тўлқин МУХИДДИН

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 6 ОКТЯБРЬ СЕНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

- Энига ва ёш бўйига:** 1. Ширинак. 4.Диалект. 27. Уруғвай. 28. Нашриёт. **Бўйига ва ёш бўйига:** 5. Папирус. 6. Нокаут. 18. Лактоза. 20. Нашвати. **Энига:** 7. Баскетбол. 11. Ипак. 14. Қўра. 15. Камалак. 16. Етмак. 17. Какао. 21. Харажат. 22. Танк. 23. Киев. 26. «Бобурнома».
- Бўйига:** 2. «Иван». 3. Лион. 9. «Барселона». 10. Бўстониқ. 12. Сарафан. 13. Қарағай. 19. Зафар. 24. Тонг. 25. Умар.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежига Муаллам Зуфарова раҳбарлик қилади. Бу илм масканига икки йил олдин Германиялик мураббия Аня-Мария Кассер директор ўринбосари лавозимига тайинланганди. Ишнинг дастлабки палласида ҳаёт сўқмоқларида адашган аёлларни бир жойга йиғиб, қайта турмушга тайёрлаш, ҳаётга умид уйғотиш мақсадида 6 ойлик кечки ўқув курси ташкил этилди.

СЕРТИФИКАТЛАР БЕРИЛДИ

Бу курсга Тошкент шаҳрида яшайдиган 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёллар жалб этилди. Уларнинг фарзандлари учун ўқиш пайтида кечки таомлар бепул берилди. 37 нафар аёл йўл-йўллари билан таъминланди. Уқий давомида беморларга

психологик маслаҳатлар бериш, тиббий билим асослари ва даволоччи уқалаш йўриқлари, ҳуқуқий тайёргарлик, аёлларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, оила муаммоларини ечиш, компьютер саводхонлиги асослари,

кичик бизнесни ташкил этиш сирлари ўргатилди.

Яқинда ушбу аёлларга курс тингловчиси сертификатларини бериш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман фаоллари, турли давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул хо-

димлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда иштирок этган Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Шоакбарова ўқув курсининг фаолиятига қисқача тўхталиб ўтди. Битирувчиларни янги имкониятлар билан кутлади.

Ўз навбатида ўқув курси битирувчилари ҳам мураббияларга ўзларининг самимий тилақларини билдирдилар.

Хонбиби МАҲАМОВА

ЛАММУГАЛАП

Майор аскарларга мушоаат қилди:

— Ичингизда мусиқа асбобларини чала оладиганлар борми?

— Бор, — дея тўртта аскар олдинга чиқди.

— Яхши. Юринглар, панинони учинчи қаватга олиб чиқасизлар.

Бир фирманинг бошлиқ ўринбосари чет эл сафаридан қайтиб келибди. У сафар ҳақида ҳисобот тайёрлашга киришибди.

— Ух, лаънати! Қаерга борганини ёздим, қайси фирмаларда бўлганини ёздим, лекин у ерга нима учун борганини ҳеч эслолмаяпман.

Ўсмирлар зиёфати қизиб борарди. Фиранида хонада йигит бир қизни кўриб қолди. Секин қизнинг орқасидан бориб, кучоқлаб олди.

— Нима қилисан? — қичқирди қиз.

— Кечирасиз, — деди йигит, сизни синглим, деб ўйлабман.

— Аҳмоқ, синглинг бўлмай, кимман?

Бир ичувчидан сўрашибди:

— Вақт қанча бўлди? — Юз эллик грамм, — дебди у.

— Ха-а, бирдан элликта ўтибди -да.

— Э-э, қанақа гаранган. Бир ярим литр даяпман.

Бир содда одам йўл четидан туриб олиб, ўтган кетганлардан суриштиради:

— Биродар, соатим тушиб қолибди, мабодо кўрмадингизми?

Бир ҳазилкаш одам: — Соатми? Соат... ҳозиргина анаву дўконга кириб кетди, — дебди мийиғида кулиб.

Ҳалиги одам дўконга югуриб кириб:

— Ука, бизнинг соат ҳозиргина югуриб шу дўконга кирибди, шуни бериб юборинг.

— Алло, дўстим, бир зарур иш чиқиб қолди, бизни кига соат ўнларда етиб кел.

— Боролмайман, вақтим йўқ.

— Нега?

— Соатим бузилиб ётибди.

— Манзилга неча соатда борарканми? — деб сўрабди йўловчи проводникдан.

— Билмадим, бу машинистнинг кайфиятига боғлиқ, — деб жавоб берибди у.

Соат олмақчи бўлган харидор дўкон сотувчисидан сўрабди:

— Бу соат яхши юрадимми?

— Билмадим, шу вақтгача бир жойда турибди, — дебди сотувчи. Ҳали у ёқ, бу ёққа юрганини кўрмадим.

Шаҳримизга тоғлардан келадиган дарёлар об-ҳаётимиз манбаи, риск-рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебаҳо бойлигимиздир. Дарёлар сувининг мўл-кўл бўлишида, шифобахш хосиятларида бўлоқ-чашмаларнинг аҳамияти катта. Бўстонлик тоғларида 700 дан ортиқ карст бўлоқлар табиати ўрганилиб, уларнинг ер сатҳига чиқиб жойларининг хариталари тузилган. Бу бўлоқлар ер ости карст сувларининг турли "поғона"лариغا, яъни гидродинамик зоналарига боғлиқ бўлиб шу ҳудудлардан тўпланади.

Она-замин мўл-қўзғалари

ҚАЙНАР БУЛОҚЛАР

Бўстонлик бўйлаб сайр қилсангиз, турли баландликдан ёки дарё водийларидан қайнаб чиқиб шарқираб оқаётган бўлоқ сувларига дуч келасиз. Агар сиз шу кўрган бўлоқларингизни абсолют баландликлари бўйича тоғ ёки дарё водийларининг кўндаланг кесимига қўйиб чиқсангиз, ушбу бўлоқлар кўп қаватли бўлиб сафланшади.

Бўстонлик бўлоқлари асосан уч гуруҳ бўлинади. Тоғ ён бағирларидан чиқувчи бўлоқлар туманда энг кўп тарқалган бўлиб, сони жиҳатидан биринчи ўринда

туради. Келажакда, уларнинг айримларини водопровод орқали яқин орадаги аҳоли пунктларига ва дам олиш зоналарига "тортик" қилиш мумкин. Иккинчи гуруҳ бўлоқлар эса, дарё водийларидаги террасалардан чиқиб, атрофдаги қишлоқлар ҳамда дам олиш уйларида сув билан таъминлайди. Сўнгги учинчи гуруҳ бўлоқлар эса, дарё ва сой ўзанидан чиқувчи ва серсувлиги билан бошқа гуруҳлардан ажралиб турувчи "қайнар" бўлоқлардир. Бу бўлоқлар баъзан сойларни йил давомида оқар сувлар билан таъминлаб туради.

Мамбаа

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР МАДҲИ

Ўзбекистон билан Словакия ўртасида қарор топган дўстлик алоқалари самарали кечмоқда. Бунда ҳар икки мамлакатнинг дипломатик ҳамкорлиги ҳам кўл келмоқда.

Словакиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси сайё-ҳаракати билан ўзаро яхши муносабатларни баён этувчи тўплам босмага тайёрланди. "Ўзбекистонда 1500 кун" деб номланган мазкур китоб ушбу ваколатхона бошлиғи Петер Юзанинг ўзбек диёридан олган таассуротлари асосида ёзилган бўлиб, тўплам профессор Шодмонқул Пиримқулов билан ҳамкорликда босмага ҳозирланди.

Словак тилида тайёрланган бу китобда ҳар икки мамлакатда эришилаётган ютуқлар ҳам қаламга олинди.

Янги нашр Словакияда кўп нусхада чоп этилади.

Ақбар АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ, ИЖАРА ВА ШИРКАТ ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. "Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишни ташкил қилиш комиссияси" 2005 йил 15 ва 24 ноябрда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗАДИ

2. Очiq тендерда мулкчилик шаклларида қатъи назар, Тошкент шаҳри ҳудудидан рўйхатга олинган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

3. Очiq тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

Утказини санаси	Маршрут рақами	Йўналишлар
2005 йил 17 ноябрь	9И	Чилонзор буюм бозори — Қўйлик М1
	21И	Чилонзор буюм бозори — Алгоритм
	5	Машинасозлар АШБ — Кўкча мачити
	8	"Чорсу" савдо маркази — А.Югнакий мавзеси
	34	"Пахтакор" м. — Литерат. Инст.-ти
	35	Сирғали-7 мавзеси — Литерат. Инст.-ти
	37	16-шаҳар шиф.-си — Литерат. Инст.-ти
	59	"Шухрат" дўкони — Қўйлик
	64	"Шаҳло" кафеси — Қўйлик-1
	69	Ўрикзор — Катта қабни маҳалласи
2005 йил 24 ноябрь	145	А.Навоий маҳалласи — "Карвон" бозори
	70	Тошкент вокзали — трамв.депо №2
	126	"Машинасозлар" м. — Она ва бола маркази
	4М	"Чорсу" савдо маркази — Иттифоқ м.-си
	35М	Қорақамиш 2-4 — Бошлиқ
	10	Қўйлик АШБ — Ўрикзор б-ри
	12	Оқтепа — Тансиқбоев
	16	Қўйлик АШБ — "Чорсу" савдо м-зи
	27	Юнусобод-19 — м. "Пахтакор"
	41	Венгерская кўчаси — Шимолий вокзал
	65	Калишев б-ри АШБ — Сирғали
	80	Янгиобод АШБ — м. "Пахтакор"
	104	"Чорсу" савдо маркази — Шимолий вокзал
	112	Қорақамиш 1-4 — Беруний метроеси АШБ
	113	Қорақамиш 2-4 — "Чорсу" савдо маркази
142	"Чорсу" савдо маркази — Шифокорлар шаҳарчаси	
29	ТошМИ — Ю.Абад-10	
48	Ал Хоразмий — Промзона Сирғали	
7М	Уйғур кўчаси — Яланғоч	
97М	А.Темури АШБ — Юнусобод-12	

4. Очiq тендерда қатнашишни хоҳловчилар "Тошкент шаҳар транспортининг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази"га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳар Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уй, 612, 619-хоналар манзили бўйича 2005 йил 17 октябрь соат 16.00 гача кечикмасдан буюртманомани бериши керак ва тендер ҳужжатлари пакетининг қийматини ва Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасининг ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш учун бир марталик бадал қийматини шартнома асосида тўлаш керак.

Буюртманомаша Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

5. Тендер таклифларини топшириш муддати 2005 йил 17 октябрдан.

Тендер таклифларини топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

6. Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камида 6 ойга тузилади.

Шартнома бўйича ишларининг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мушоаат этинг:

133-38-89, 133-54-77

Спорт

ОЛТИН НИШОН БИЛАН БОШЛАШДИ

Кимёгарлар шахри бўлиши Чирчиқда кейинги йилларда спорт-соғломлаштириш ишлари ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шаҳарда кўплаб замонавий спорт мажмуалари қад ростламоқда, йирик халқаро мусобақалар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Чирчиқ шаҳрида яқинда машғулотлари ўтказиш ва мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган ёзги биатлон мажмуаси қад ростлагани ҳам қувонарли ҳолдир. Шу кунларда эса айнан ушбу Жалоловнинг Мангуберди номли янги мажмуада ёзги биатлон бўйича Осиё очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда. Чемпионатда иштирок этаётган Халқаро биатлончилар иттифоқининг вакиллари ҳам ушбу замонавий ва бетакрор мажмуанинг китъа бўйича ягона эканлигини эътироф этишмоқда. Бинобарин, Осиё чемпионати фақат дебеча бўлиб, келгусида Жалоловнинг Мангуберди номли биатлон мажмуасида ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар етарли.

Осиё очик чемпионати спринт мусобақалари билан бошланди ва унда ҳақиқатан ҳам энг кучли спортчилар шохсупа турдан ўрин олишди. Айниқса ўсмирлар мусобақасида ҳамюртларимиз жуда муваффақиятли иштирок этишганини фахр билан таъкидлашимиз мумкин. Жумладан, ўсмирлар ўртасида ўтказилган баҳсларда мамлакатимиз вакили Руслан Носиров барча рақибларини ортада қолдирган ҳолда юксак зафар қучиб, олтин нишон билан тақдирланди. Қизлар ўртасида Осиё чемпионлиги Қирғизистон вакили Жамила Турарбек кизига насиб этган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Зарема Мамедова иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Катталар ўртасида эса энг етакчи спортчи — россиялик Дмитрий Никифоров ўзига билдирилган юксак ишонччи оқлагани ҳолда яна бир бор чемпионлик шохсупасини забт этиб, беш қарра жаҳон чемпиони унвонига Осиё китъаси ғолиблигини ҳам қўшди.

Аёллар баҳсида ғалаба Қозоғистон вакиласи Виктория Циганковага насиб этди.

Китъа чемпионати яна икки кундан кейин ўз ниҳоясига етади.

(Ўз мухбиримиз)

КЕЧА Бахрайнинг пойтахти Манама шаҳрида жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Бахрай—Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги плей-офф учрашуви бўлиб ўтди.

Ўқибон

ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ, АММО...

Шуни таъкидлаш жоизки, 8 октябрь куни "Пахтакор" марказий стадионида ҳар икки терма жамоа вакиллари ўртасида ўтказилган биринчи учрашувда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилган, шу боис ҳам ўзбекистонлик мухлислар жавоб учрашувида терма жамоамиздан фақат ғалаба кутишаётганди. Дарвоқе, Бахрай iklimи моҳир хужумчиси Шацкига салбий таъсир кўрсатди шекилли, унинг майдонга туша олмаслиги аввалдан маълум бўлиб қолди. Боб Хоугтон эса бу сафар терма жамоамизни куйидаги таркибда майдонга олиб чиқди. Сафонов, Радкевич, Алиқулов, Фёдоров, Николаев, Қосимов, Жепаров, Копадзе, Карпенко (Бикмаев), Гейнрих, Солиев (Холмуродов). Учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг устунлиги бироз сезилиб турди. Кўпгина вазиетларда рақиб дарвозаси

олдида хавфли вазиетлар содир этишда, тўп билан муомала қилишда ҳамюртларимиз мезбонлардан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Бир неча марта бахрайликлар дарвозаси олдида хавфли хужумлар содир этилди. Аммо, "майдон текис, тўп юмалок" деганларидек, бу сафар ҳам омад терма жамоамиздан юз ўғирди. Очиғи, Шацкининг ўрни билинди. Анвар Солиевга ҳам, Гейнрихга ҳам ёки захирадан майдонга тушган Холмуродов ҳамда Бикмаевга ҳам мухлислар кутган голни киритиш насиб этмади. Бир сўз билан айтганда хужумчиларимизга аниқлик етмишди. 90 дақиқа давом этган учрашувда рақиблар мурося йўлини танлашди. 0:0. Шу тариқа мағлубиятга тенг бу дуранг Ўзбекистон терма жамоасининг Германия йўлланмаси учун ўтказилаётган курашдаги сўнги баҳси бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"01"

ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Ҳаммамизга маълумки, оловдан тўғри фойдаланмаслик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, лоқайдлик оқибати мудҳиш фалокатга, яъни ёнгинга олиб келади.

Ёнгинлар халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги ва турар жойларда, ўқув муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш устаноналарида юз бериши мумкин. Етказилган зарари хиҳатидан эса табиий офатларга тенглашадиган ҳодиса ҳисобланади.

Ёнгин катта моддий зарар келтириши, оғир бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши билан бирга заҳарланиши, қўйиш натижасида кишиларнинг ҳаётини бевақт кетган ҳоллари кўплаб учрайди. Шўнинг учун ҳам ёнгинга қарши кураш барча фуқароларнинг умумий бурчи ҳисобланади ва бу борадаги ишлар давлат миқёсида амалга оширилади.

Қўриқланаётган масканларда, устаноналарда "чиқиш йўллари" чизмаси бўлиши керак. Чиқиш йўлларининг эни 1 метрдан, эшикларнинг эни 0,8 метр, бўйи 2 метрдан кам бўлмаслиги керак. Чиқиш йўллари бўлган йўлақлар, зинапоялар одамлар сўнга қараб ҳисобланади.

Бино ва иншоотларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш керак. Шўндагина биз ўзимизни, оиламизни, қорхона, ташкилотимизни содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан сақлаб қолган бўламиз.

Акром ТўРАХЎЖАЕВ,
Рустам ҲИҚМАТОВ,
Тошкент шаҳар Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари

Мунажжим башорати

АЖОЙИБ КУНЛАРДАН БИРИ

14 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Мунажжимларнинг фикрича, бугун кузнинг ажойиб кунларидан бири экан. Поклик ва самимият билан ишга қиришган ҳар қандай одам бугун муваффақият қозонади, ғалабага эришади. Фақат уларгина бугунги кун билан боғлиқ сирият пардасини оча оларкан. Куннинг рамзи тонг билан боғлиқ бўлиб, синчковлик, эҳтиёткорлик ва пухта тайёргарликни талаб этади.

Бугун меҳмондўст бўлиш керак, дейди С. Ильичёв, дўстлар билан дийдорлашиш фойдали бўлади. Янги танишувлар юз беради, бир қарашдаги муҳаббат пайдо бўлади. Соч олдириш, тирноқни олиш, тиш олдириш, жарроҳлик операцияларини ўтказиш мумкин. Қирқилган соч, тирноқларни Қуёш тақвимининг 13-кунига сақлаб қўйиб, кейин ерга қўйиладди.

Қуёш ва Плутон қувватларининг ўзаро таъсири актёрлар, созандалар, ижтимоий-сиёсий фаолият кишиларига муваффақият келтиради. Ойнинг Балиқ буржида бўлиши ҳам муסיқий-шоирона кайфиятларни кучайтириб, иходий фаолиқни рағбатлантиради.

Қуёш тақвимининг 28-кунини рамзи сохта

муқобилликка учмай, воқеалар ривожига ягона тўғри йўлни излаш кераклигини билдиради. Қадим донолар айтганларидек, "фақат бир йўл бўлиб, бошқалари саёқликдир". Боз устига, 17 октябрда рўй берадиган Ой тутилиши туфайли бугун ва ақин кунлар ичиди йўл қўйган хатоларни тузатиш кийин бўлади.

Пичоқ ёки вилкаларнинг тушиб кетиши бугун нохушлик аломати бўлиб, хавф-хатарлардан огоҳлантиришидир. Парранда патининг устингизга тушиши — хушхабардан дарақдир. Тирноқнинг синиши — кутилмаган хасталиқка ишора. Электр қуввати, чамқок, тонг шафақлари яхшилиқ аломатлари бўлса, лойга ботиш, майда-чўйда ишларга ўралашиб қолиш нохуш-

ликлар белгиси ҳисобланади.

Бу кеча башоратли тушлар қўрилади. Ёрқин ва эса қоладиган тушлар айниқс қимматли бўлиши мумкин.

Кўларингизни зўриқтирманг ва юракка ортиқча юк бўладиган ишларни қилманг. Янги йиғилган мева шарбатларини истеъмол қилиш фойдали бўлади.

Ола-була, қуноқ ранглар бугунги кунга ярашиқли бўлиб, кулранг ва бир хил рангли либосларни бошқа кунларга олиб қўйинг.

БУГУН:

— имкон қадар ташвишлардан холи бўлиш;

— энгил ва ёқимли ишлар билан шуғулланиш;

— ташки кўринишингиз ва атроф олам билан уйғунлик ҳақида қайғуриш;

— жонли табиат билан ошно бўлиш, уй ҳайвонларига гаҳмўрлик қилиш;

— суйган кишиларингиз билан кўпроқ вақт бирга бўлиш;

— турли муаммоларни ҳал этишда қалбингиз амрига қулоқ тутиш тавсия этилади. Нотаниш кишилар билан мулоқотда бўлиш, қимор уйинларига аралашиб қолиш, нақд пул билан пала-партиш муомалада бўлишдан эҳтиёт бўлинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент Оқшоми

Вечерний Ташкент

Сиз билан ҳафтагина беш кун бирга!

Ҳеч қандай муаммоларсиз турли-туман ахборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Газеталарга шахримиздаги барча алоқа бўлимларида обуна бўлишигиз мумкин. Агарда савол туғилса, 133-28-95, 136-35-83 телефонларига қўнғуриқ қилинг.

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАННОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-КИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури Дастурдан: ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган. ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!! Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Чиптаалар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ ҳар хил шаклда тўлалиши мумкин. Касса эртаала соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Спорт

ТРАНСПОРТЧИЛАР ҲИММАТИ БИЛАН

Пойтахтимиздаги «Севара», «Зилола» ва «Нигора» номли маҳалла аҳолиси янги спорт мажмуасига эга бўлди. Ушбу маҳаллалар туташган ҳудудда қўздан бери қаровсиз ётган бир ярим гектарлик майдон ўзлаштирилиб, замонавий яшил зонага айлантирилди. Унинг марказий қисмида эса болалар спорт мажмуаси маскан тоғди. Маҳаллалар ўғил-қизларига яхши соғва бўлган бу иншоот мўъжаз спорт шаҳарчасини эслатади. У 450 метрли металл панжара билан ўраб олинди, катта доира шаклига эга бўлди.

Бу ерда спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиш мумкин. Янги мажмуанинг юзига келишида «Тошшаҳарўлтовчипранс» акциядорлик компанияси ҳиммат кўрсатди. Бунда компанияга қарши 2,4,7 ва 8-автобус сервис-маркази, 3-трамвай-троллейбус депоси ва бошқа қорхоналарнинг ёрдами катта бўлди.

Аҳмад АББОСОВ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-29-09

Ҳаҳим — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилади. Қотез бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.